

Ўзбекистон Республикаси бюджет  
 тизими бюджетларининг газна  
 ижроси қоидаларига  
 8-илова

2022 й. «09» ноябр Навоий шаҳар МТБ ва Бехруз Азизбек Курувчи Келажаги МЧЖ ўртасида  
 60 700 000 сўм умумий суммага тузилган 69-сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 7091, 100, 251  
 Шахсий газна ҳисобварак 401722860124017091100251019.

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4 232 200			
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр	60700000,00			60700000,00
Декабр				
Жами йил бўйича	60 700 000,00			60 700 000,00

Жами : 60 700 000 (олтмиш миллион тти юз минг) сўм

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан сумма сўз билан сум ёки шартноманинг умумий суммасидан %\*\*\* олдиндан 2022 йил ойида тўланиши лозим.

(\*)-бюджет ташкилоти бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағ олувчи томонидан газначилик бўлинимасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) – бўлим, боб, параграф ва харажатлар моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

Д.Жураева

Буюртмачи бўлиб ҳисобчиси

М.А.Ахмедова

Газначилик бўлинимаси

қобилини қабул қилди

2022 й. « 9 »

Бюджетдан маблағ олувчи

ҳодими қабул қилди

2022 й. « 9 »

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 69

Навоий шаҳар

2022 йил " 09" Ноябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навоий шаҳар МТБ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар Д.Жўраева бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Бехруз-Азизбек Қурувчи Келажаги" МСНҲ номидан «Устав» асосида иш кўрувчи Ш.Алиев иккинчи томондан, бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навоий шаҳар 18-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, электрон танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "04" ноябрдаги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда (ҚҚС ) жорий нархларда 60 700 000 (олтмиш миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

## **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдоридан аванс ўтказади, бу 18 210 000 (ўн саккиз миллион икки юз ўн минг ) сўм ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) ҳамда назорат қуригидан ўтказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида яшидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи бўғимлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини таъминатлайди.

26. Агарда масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бешланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан олишга сўроққа уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни заруратнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тоза туриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачининг қўлидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юрталди. Даврда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эришилган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган сиром ва материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг қондан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига олиб келиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда қайдларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Бажариш дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда қайта тасдиқ этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## Х. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХІ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## ХІІ. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Мазкур шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

### **ХIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан қўриб чиқилади.

### **XV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти**

44. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

45. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

46. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

47. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакиллари пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

48. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

49. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 44-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

### **XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Навоий шаҳар Ғазначилиқдан руйхатдан утгандан сунг қонуний қучга киради ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

**XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

**ПУДРАТЧИ**

“Бехруз-Азизбек Курувчи Келажаги” МСНҲ  
Юридик манзилгоҳ; Навоий вил  
Ўзбекистон МФЙ.330  
ТЕЛ: 93-815-0008  
Х/р:20208000200882662001

Банк номи Алоқабанк Навоий ф  
Банк коди(МФО) 01007  
ИНН 305558829  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
КТУТ \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_



**БУЮРТМАЧИ**

Навоий шаҳар МТБ  
Юридик манзилгоҳ; Навоий ш  
Шодлик-6 \_\_\_\_\_  
ТЕЛ: 79-220-17-46 \_\_\_\_\_  
ШХ/Р: 401722860124017091100251020  
ШХ/Р: \_\_\_\_\_

Ташкилот СТИР 305163782  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
КТУТ \_\_\_\_\_

Ғазначилиқ булими: Уз.Рес.Молия ваз Ғазначилиги  
Ягона ғазна ҳисоб вараги  
Ғазначилиқ х/р:23402000300100001010  
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк  
Банк коди(МФО) 00014  
Ғазначилиқ СТИР: 201122919  
Рахбар \_\_\_\_\_



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

XB5424287866

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: NAVOIY SHAHAR  
MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 08.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Navoiy shahar yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**E.O.Abdurahmonov**

11.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 170378 на приобретение Навоий шаҳар 18 ДМТТ биноти жорий таъмирлаш ишлари учун**

Способ проведения электронный

Дата 04.11.2022

Время рассмотрения 04.11.2022 17:56

Закупочная комиссия МТБ марказлашган ҳисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Навоий шаҳар МТБ мудир	Навоий шаҳар МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	Шомуродов Жалил Жамолович	ДХ ва шартномалар буйича ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Бош ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Сапаев Икром Тошпулатович	ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	Мамаюсупова Хабиба Исроиловна	методист	Навоий шаҳар МТБ
<b>Член комиссии</b>	TAYIROVA AZIZA BAXTIYAROVNA	ҳисобчи	Навоий шаҳар МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.11.2022 года № лота 170378.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту зданий</b>
Подробное описание	Навоий шаҳар 18 ДМТТ биноти жорий таъмирлаш ишлари сифатли бажариб бериш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	60 911 000.00
Стартовая сумма	60 911 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	35	мавжуд	25	Экспертная		
ООО БЕХРУЗ - АЗИЗБЕК ҚУРУВЧИ КЕЛАЖАГИ	35	мавжуд	15	Экспертная		
STROY LEADER МЧЖ	35	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ООО QURILISH-GROUP	35	шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги	15	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ	35	35	10	Экспертная		

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона ҳақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари, махсус лицензиялари (мавжуд бўлса) ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона ҳақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари, махсус лицензиялари (мавжуд бўлса) ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	20	мавжуд	15	Экспертная		
ООО БЕХРУЗ - АЗИЗБЕК ҚУРУВЧИ КЕЛАЖАГИ	20	мавжуд	15	Экспертная		
STROY LEADER МЧЖ	20	мавжуд	13	Экспертная		
ООО QURILISH-GROUP	20	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома.Иштирокчи корхона хақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари, махсус лицензиялари(мавжуд булса) хақида маълумотлар бўлиши лозим.				
<b>FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ</b>	20	20	10	Экспертная		

Критерий №3 Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти . бажарилган ишлар форма 2-3 хамда шартномалар тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти . бажарилган ишлар форма 2-3 хамда шартномалар тулик маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ</b>	30	мавжуд	10	Экспертная		
<b>ООО БЕХРУЗ - АЗИЗБЕК ҚУРУВЧИ КЕЛАЖАГИ</b>	30	мавжуд	30	Экспертная		
<b>STROY LEADER MЧЖ</b>	30	мавжуд	5	Экспертная		
<b>ООО QURILISH-GROUP</b>	30	Мазкур иш бажариш йўналиши бўйича амалга оширган фаолияти . бажарилган ишлар форма 2-3 хамда шартномалар тулик маълумот	20	Экспертная		
<b>FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ</b>	30	30	15	Экспертная		

Критерий №4 солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	35	мавжуд	25	Экспертная		
OOO BEXRUZ - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	35	мавжуд	15	Экспертная		
STROY LEADER MCHJ	35	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
OOO QURILISH-GROUP	35	шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги	15	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MCHJ	35	35	10	Экспертная		

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона ҳақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари, махсус лицензиялари(мавжуд булса) ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона ҳақида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари, махсус лицензиялари(мавжуд булса) ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	20	мавжуд	15	Экспертная		
OOO BEXRUZ - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	20	мавжуд	15	Экспертная		
STROY LEADER MCHJ	20	мавжуд	13	Экспертная		
OOO QURILISH-GROUP	20	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва	10	Экспертная		

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	15	мавжуд	15	Экспертная		
ООО BEXRUZ - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	15	мавжуд	15	Экспертная		
STROY LEADER MCHJ	15	мавжуд	5	Экспертная		
ООО QURILISH-GROUP	15	солиқлар ва йиғимларни тўлаш буйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат буйича тулик маълумотлар	10	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MCHJ	15	15	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО BEXRUZ - AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	60 911 000.00	60 700 000.00 UZS	60 700 000.00	00.00	60 700 000.00	01.11.2022 11:27:55	50
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	60 911 000.00	60 800 000.00 UZS	60 800 000.00	00.00	60 800 000.00	01.11.2022 11:15:12	49.91776

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО BEXRUZ -AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI	37.5	50	87.5
ООО QURILISH-GROUP	Не прошел	Не прошел	Не прошел
FAZILAT AVTO SERVIS MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ	32.5	49.91776	82.41776
STROY LEADER MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 170378 от 04.11.2022 года на приобретение Навоий шакар 18 ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари учун определила победителем:

ООО BEXRUZ -AZIZBEK QURUVCHI KELAJAGI  
305558829

и резервный исполнитель: NAVOIY QURILISH SERVIS-2018 MCHJ (305269942)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	Жураева Дилнавоз Ибрагимовна	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Ахмедова Мархабо Аслоновна	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Сапаев Икром Тошпулатович	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Мамаюсупова Хабиба Исроиловна	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TAYIROVA AZIZA BAXTIYAROVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП